

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ШАРИПОВ АЗИЗБЕК ТОЛИПОВИЧ
ТУНГИ ЭНУРЕЗЛИ БОЛАЛАРНИ ДАВОЛАШДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ
УСУЛЛАРИ**

14.00.41 – Халқ таобати

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО -2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шарипов Азизбек Толипович

Тунги энурезли болаларни даволашда халқ таботати усуллари

Шарипов Азизбек Толипович

Методы народной медицины при лечении детей с ночным энурезом

Sharipov Azizbek Tolipovich

Methods of traditional medicine in the treatment of children with nocturnal enuresis

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ШАРИПОВ АЗИЗБЕК ТОЛИПОВИЧ

**ТУНГИ ЭНУРЕЗЛИ БОЛАЛАРНИ ДАВОЛАШДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ
УСУЛЛАРИ**

14.00.41 – Халқ табobati

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО -2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Tib1813 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эргашева Наргиза Обиджоновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

тиббиёт фанлари доктори, профессор

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.31.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ кунни тарқатилган.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа фанлари доктори(PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқ табобати аҳолига тиббий-профилактик ёрдам кўрсатишга асосий қўшимча йўналиш ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра, “Халқ табобати (ХТ) – соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим ва аксарият ҳолларда етарлича кадрланмайдиган бир қисмидир. Айрим мамлакатларда халқ табобати ёки ноанъанавий тиббиёт қўшимча тиббиёт (КТ) деб талқин қилинади. ХТ саломатликни қўллаб-қувватлаш соҳаси қўлланилиши бўйича узоқ тарихга эга бўлиб, ундан касалликларни, айниқса сурункали жараёнларни олдини олиш ва даволашда фойдаланилган”.¹ Замонавий адабиётларнинг таҳлиliga кўра, энурез хасталиги 4 ёшдаги болалар орасида 30% да, 7 ёшдаги болалар орасида 10% да, 12 ёшлик болалар орасида 3% да ва 18 ёшгача бўлган ўсмирларни 1 %да учраши маълум бўлди. Катта ёшдаги аҳолининг тахминан 0,5% ида тунги пешоб ҳолатлари сақланиб қолади. Тунги энурез кузатилган болаларни дори воситаларисиз даволаш долзарб масала бўлиб қолмоқда, негаки дори воситалар билан даволаш болаларнинг ўсиши ва меъда-ичак тракти аъзоларига ножўя таъсир кўрсатиш хавфи мавжуд. Шу билан бирга, энурез болалар учун руҳий муаммо ҳисобланади, негаки болалар ўз тенгдошлари билан ўзларини таққослайдилар ва жамоада ўз-ўзини идентификациялайдилар.² Болалар энурезини даволашда ҳар доим ҳам клиник самарадорлик кузатилмайди, шу сабабли қўшимча услубларни излаш зарурати пайдо бўлади, хусусан, дори воситасиз даволаш услубини комплекс даволашга киритиш зарур бўлади.

Жаҳонда замонавий илмий изланишлар асосан, энурезнинг ташҳислаш мезонларини ўрганишга қаратилган, камсонли ва қарама-қарши фикрлардан иборат бўлади, халқ табобатини қўллаш, жумладан игна билан даволаш тури орқали даволаш усуллари кам ўрганилган. Илмий тадқиқотларнинг замонавий нисбати энурезнинг клиник кечиши ва ташҳисидан ташқари, болалар энурезини комплекс даволашда халқ табобатидан фойдаланишни ҳам талаб қилади. Илмий изланишларнинг яна бир устувор йўналиши болалар энурези клиникаси, ташҳисланиши ва даволаш алгоритмининг такомиллаштириш ҳисобланади.

Бизнинг давлатимизда бугунги кунда тиббий йўналишларнинг ривожланиши, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларининг талабларига мослаштириш, соматик касалликларни эрта ташҳислаш ва асоратларини олдини олиш бўйича махсус комплекс дастур ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабатдан, “...мамлакатимизда тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш, патронаж хизмати

¹ ЖССТ нинг 2013-2023 йй. да халқ табобати соҳасидаги стратегияси, ЖССТ, Женева.

² Morozov S.L., Dlin V.V., Slonimskaya M.M. Psychosocial aspects of micturition disorders in children. Rossiyskiy Vestnik Perinatologii i Pediatrii (Russian Bulletin of Perinatology and Pediatrics) 2015; 60(5): 92–95.

ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...”³ каби соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар йўлга қўйилган.

Шунга кўра, бу соҳа мутахассисларининг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини янги босқичга олиб чиқиш, соғлом муҳит яратиш, энурезнинг оғир кечишини олдини олиш, халқ табобати, жумладан акупунктура услубларини қўшиш орқали даволашнинг оптимал услубларини ишлаб чиқиш зарур.

Мазкур диссертация иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.11.2020 йилдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.10.2018 йилдаги ПҚ-3968-сон “Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 10.04.2020 йилдаги ПҚ-4668-сон “Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорларида, ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди VI. «Тиббиёт ва фармакология».

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тунги энурезни даволаш муаммоси замонавий неврологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Адабиётлардаги маълумотларга мувофиқ, энурезнинг 5-14 ёшдаги болалар орасида тарқалганлиги 1,4% дан 28% гача бўлган кўрсаткични ташкил қилади (Hashem, 2017; Ferrara, 2020; Alhifthy, 2020). муаммо 5 ёшдаги болаларнинг 20-25%, 7 ёшдаги болаларни 10%, ва ўсмирларнинг 1-2% га тегишлидир. Жаҳон адабиётлари таҳлили шуни кўрсатдики, бугунги кунга келиб, тунги энурезни юзага келиш сабаблари ва механизмлари аниқланган.

Ўзбекистонда мазкур муаммо турли даврларда қуйидаги олимлар томонидан ўрганилган: Ш.Ш. Шамансуров, Д.А. Нурматова (2006); В.И. Морозов, Л.Т. Салихова (2015); С. Тилиянова, Н. Закирова, Ф. Закирова (2015); С.Н. Саидходжаева, Ё.Н. Маджидова (2016); Ё.Н. Маджидова, М.И. Абдуллаева (2018); Б. Хамидов, Ф. Хуррамов, Н. Назаров (2020) ва бошқалар. Бироқ, юқоридаги тадқиқотларда халқ табобати услубларини кенг қўллаш ва эрта ташхислашда тўлақонли ёндашув бажарилмаган. Замонавий

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 декабр 2018 йилдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони

изланувчилар учун эрта ташхислаш, даволаш ва айниқса халқ табобати услубларининг самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Шунини айтиш керакки, ижобий натижалари даволашга 90% “қуруқ тунлар”да эришилган бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тиббиёт ходимларнинг 2020-2023 йилларда касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади: халқ табобатини қўллаган ҳолда болаларда тунги энурезни ташхислаш ва комплекс даволашнинг замонавий алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

болаларда тунги энурезнинг шаклланишига этиопатогенетик ва ижтимоий (турмуш тарзи ва яшаш шароитлари) хавф омилларининг таъсирини аниқлаш.;

тунги энурездан азият чеккан болаларнинг рухий-неврологик ривожланиши ва вегетатив бошқарувининг функционал фаоллигини халқ табобати (акупунктур) усуллари билан такомиллаштириш;

энурез кузатилган болалар ҳаёт сифатини аниқлашда халқ табобати (акупунктур ва фитотерапия) қўлланиладиган мохиятни аниқлаш;

халқ табобатини қўллаган ҳолда болаларда тунги энурезни комплекс даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, неврология бўлимида даволанган 120 нафар “тунги энурез” ташхиси қўйилган болаларнинг клиник текширувлар натижалари хизмат қилди. Респондентлар тасодифий танлов йўли орқали танлаб олинган ва илмий изланишларнинг репрезентативлиги талабларига жавоб берганлар.

Тадқиқот предмети: “тунги энурез” ташхиси қўйилган 120 нафар болаларни саломатлик ҳолати, ҳаёт сифати ва даволаш динамикасини баҳолаш натижалари.

Тадқиқот услублари: мазкур тадқиқотда клиник баҳолаш ва неврологик ҳолатни баҳолаш шкалалар ва сўровномалар ёрдамида ўтказилди (Гийом-Вейн жадвали, RedSQLTM 4.0 сўровномаси, Шульте жадвали, Лурия тести), шу билан бирга, ташхислашнинг инструментал ва визуализацион услублари: бош мия ЭЭГ, урофлоуметрия, тиббий-биологик статистик усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагида жамланган:

болаларда тунги энурезнинг клиник-параклиник кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, хавф омилларини аниқлашнинг замонавий мезонлари аниқланган;

тунги энурези бўлган болаларнинг психоневрологик статусини ва вегетатив тартибга солишнинг функционал фаоллигини баҳолашда логоневроз, нейроциркулятор дистония, асабийлашиш, тажовузкорлик даражаси, симпатик асаб тизимининг реактивлигини тартибга солишнинг

бузилиш даражаси энурезнинг оғирлик даражаси билан тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

болаларда тунги энурезнинг ривожланишига ижтимоий (турмуш тарзи ва турмуш шароити), психосоматик ва этиопатогенетик омилларнинг таъсирини ўрганиш натижаларида уйқу бузилиши, ирсий мойиллик (айниқса ота томонидан), неврологик бузилишлар ва ноқулай перинатал анамнез (асфиксия, гестоз, анемия) тунги энурезнинг ривожланишига олиб келувчи устивор омиллари исботланган;

илк бор ишлаб чиқилган халқ табобати усуллари қўллаб (акупунктура, фитотерапия) комплекс даволаш алгоритми анъанавий даволаш усулидан 30% га самарали эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда жамланган:

болаларда тунги энурезнинг этиологияси, патогенези, клиник хусусиятлари, ташхислаш мезонларини баҳолаш таҳлили бажарилди;

болаларда стационар шароитларда тунги энурезнинг клиник-нейрофизиологик тавсифлари ўрганилди;

болаларда тунги энурезни даволашда халқ табобати услубларининг самарадорлиги аниқланди;

олинган маълумотлар асосида болаларда тунги энурезни ташхислаш ва халқ табобати ёрдамида дори воситаларисиз даволаш алгоритми ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги клиник-неврологик, статистик услублар, замонавий компьютер технологияси ёрдамида олинган барча рақамли маълумотлар, беморларнинг қиёсланадиган танлови, қўлланилаётган услубларнинг замонавийлиги, хулоса ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланган натижалар асосида исботланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, тунги энурезни эрта ташхислаш ва даволаш ютуғи беморлар ва уларнинг ота-оналарининг ҳаёт сифатини аҳамиятли даражада оширган. Эндоген ва экзоген хавф омилларини замонавий даражада ўрганиш болаларда тунги энурезнинг тарқалганлигини назорат қилиш имкони пайдо бўлди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган маълумотлар болаларда тунги энурез ривожланишининг эрта аломатларини ажратиб олишга ёрдам беради, соғлиқда рухий-неврологик муаммолардан холи бўлиш учун беморнинг ҳаёт тарзини ўз вақтида коррекциялаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ табобати усуллари киритиш орқали болаларда тунги энурезни ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича олинган натижалар асосида :

“Болаларда халқ табобати услубларини қўллаган ҳолда тунги энурезни комплекс даволаш алгоритми” услубий қўлланмаси тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20.10.2022 й. 8н-р/1156-сон хулосаси).

“Бирламчи тунги энурез беморларини ташхислаш ва кузатиш тактикаси алгоритми” услубий қўлланмаси тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 20.10.2022 й. 8н-р/1157-сон ҳулосаси). Мазкур услубий қўлланмасида дастлабки тунги энурезни ташҳислаш ва халқ табобати усуллари ёрдамида кузатиш тактикасига оид замонавий алгоритм ишлаб чиқилди, унга кўра, дастлабки тунги энурезнинг комплекс терапиясида 85% ҳолатда ижобий натижага эришилган.

Сийдик пуфаги турини аниқлаб олиш орқали энурезни муносиб ташҳислашга ёрдам берадиган «Болалардаги энурезни даволашда номедикаментоз игларефлексотерапия усулини қўллаш» ЭХМ дастури ишлаб чиқилди ва мактаб ёшидаги болаларда акупунктура ва фитотерапия муолажаларини киритган ҳолда комплекс даволаш буюрилди.

Илмий тадқиқотларнинг натижалари амалий соғлиқни сақлаш тизимига, хусусан, Фарғона вилояти Қўштепа тумани клиник амалиётига, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани «Ixlos-medikal» клиникасига, Тошкент шаҳри “Modernamed Clinic” клиникасига жорий қилиниди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24.11.2022й. 8н-з/628-сон ҳулосаси). Жорий қилинган услубий қўлланмалар натижалари ёрдамида самарасиз даволаш ҳолатларини 2 мартага қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатининг яхшиланишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Болаларда энурезнинг клиник-неврологик хусусиятлари (адабиётлар шарҳи)”** биринчи бобида болаларда учрайдиган энурезнинг этиологияси, патогенези ва даволаниши ҳақидаги замонавий

қарашлар таҳлил қилинган адабиётларнинг шарҳи келтирилган. Даволашнинг халқ табобатига оид услубларининг самарали натижаларига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур бобда адабиёт маълумотлари ва муаммонинг долзарблиги умумий келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва услублари”** номли иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминловчи услубий ёндашувлар ва услублар тавсия этилган.

Илмий иш Тошкент шаҳрида ўтказилди, иш давомида кенг тармоқли тиббий-ижтимоий тадқиқот қўлланилди ва бир неча босқичдан иборат бўлган тадқиқотнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди. Тадқиқот объектларини танлаш ва уларнинг ҳажми қўйилган вазифалар ва иш босқичларига мувофиқ бажарилди.

Когорт проспектив тадқиқот ишининг репрезентативлигини таъминлаш учун тадқиқот объектлари кўп босқичли рандомизация қилинган танлов ёрдамида танлаб олинди.

Тадқиқот давомида клиник, инструментал, кузатув услуби, таҳлил, математик статистика ва бошқа услублар қўлланилди (1-жадвал).

1-жадвал

Вазифалар	Объектлар	Ҳажм	Услублар
1	Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази	120 - тунги энурез ташҳиси билан	- клиник-неврологик текширув; - беморларнинг неврологик объективизацияси ва нейropsихологик ҳолати; - клиник-лаборатор текширув - ЭЭГ;
2	Тошкент шаҳар 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонаси		
3	Соғлом болалар	40	- Урофлоуметрия

Диссертация иши олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун умумий 160 нафар бола текширилди, булардан асосий гуруҳ 120 нафар тунги энурезли болалар ва назорат гуруҳи 40 нафар соғлом болалардан иборат бўлди.

Тадқиқотга киритилиш мезонлари: 7 ёшдан 18 ёшгача тунги уйку вақтида тунги энурезнинг дастлабки аломатлари кузатилган болалар.

Тадқиқотга киритилмаган ҳолатлар: жарроҳлик йўли билан тузатиш мумкин бўлган сийдик айирув тизими аъзоларида нуқсонлар бўлиши; сийдик йўлларида ўткир даврдаги инфекциян касалликлар; буйраклар патологиялари; соматик тур сурункали патологияларининг хуруж даври; марказий асаб тизими ва периферик асаб тизимида органик табиат патологиялари мавжудлиги. Руҳий патологиялар бўлиши.

Тадқиқот услублари – когорт проспектив тадқиқоти. Тадқиқот субъекти – тиббий хужжатлар (бемор касаллик тарихи, бемор касаллик тарихидан кўчирма), анамнез тўплаш натижалари, клиник баҳолаш, нейрофизиологик, нейроурологик тадқиқотлар.


Патогенетик терапия олаётган тунги энурези мавжуд беморларни текширув ишлари босқичма-босқич ўрнатилган баённомага мувофиқ амалга оширилди («Болалар неврологияси бўйича ташхислаш ва даволаш стандартлари», ЎзР ССВ да тасдиқланган, 2013), бу ерда бирламчи кўрик бемор келиб тушганда ўтказилган; иккинчи кўрик даволаш якунида (ўртача 3 ойдан сўнг); учинчи кўрик эса – олинган натижани мустақкамлаш учун 6 ойдан сўнг ўтказилган.

Кузатув баённомасига неврологик мақом баҳоси, вегетатив реактивлик баҳоси, махсус рухий-эмоционал, когнитив тестлар ва ҳаёт сифати баҳоси, электрофизиологик, нейроурологик кўрсаткичлар киритилган.

Умумий тадқиқотда 7 ёшдан 18 ёш оралиғидаги ўртача ёши $9,8 \pm 2,3$ (95% ишончлилиқ интервали (ИИ): 9,4–10,1) бўлган 160 нафар бола иштирок этган. Шундан 93 (58,1%) нафари ўғил болалар, 67 (41,9%) нафари эса қиз болаларга тўғри келди. Биз томонимиздан текширилган болалар асосий ва назорат гуруҳларига ажратилди.

Асосий гуруҳ тунги энурези бўлган 120 нафар бемор болалардан иборат бўлган, назорат гуруҳи эса 40 нафар соғлом болалардан иборат бўлди. Болалар ёши 7 ёшдан 18 ёш оралиғида бўлди, шундан 71 нафари ўғил бола, ва 49 нафари қизлар. Ўртача ёш - $9,7 \pm 2,4$ (95% ИИ: 9,2–10,1) га тўғри келди. Назорат гуруҳи жинс-ёш тавсифлари ва миқдорига кўра таққосланишга мойил бўлди ($p \leq 0,05$).

Гуруҳлар орасидаги кўрсаткичларни таққослашда статистик аҳамиятга эга бўлган фарқланишлар кузатилмади ($p = 0,239$) (қўлланилган услуб: Пирсон Хи-квадрати).



1-расм. Жинс ва ёшга доир кўрсаткичлар

Гуруҳлар орасида ёш кўрсаткичларини таққослашда статистик аҳамиятга эга фарқлар кузатилмади ($p = 0,39$).

Вегетатив асаб тизими (ВАТ) ҳолати А.М.Вейннинг 1981 йилдаги, Н.А.Белоконька и М.Б.Кубергер қўшимча қилган махсус жадвали бўйича текширилди. Бошланғич вегетатив тонус (БВТ) ҳолати асаб тизимининг

вегетатив фаоллиги симпатик таркиби ҳолати, ҳамда парасимпатик ҳолатнинг фиксациясига эга бўлган жадвал бўйича ҳисобланган, клино-ортостатик синама усули ёрдамида вегетатив реактивлик (ВР) функцияси баҳоланган.

Пешоб оқимининг ҳажмли тезлиги ва бошқа физиологик параметрларнинг қайд этилиши 75,2% беморларда (76 нафар иштирокчи) «Delphius Laborie» тизимига асосланиб амалга оширилган.

Ҳаёт сифати (ҲС) Pediatric Quality of Life Inventory - PedsQLTM4.0. сўровномаси бўйича ўрганилди. Сўровнома маълумотлари таркибида 23 та саволдан иборат бўлди, улар жисмоний фаолият (ЖФ) ва 8 та саволга ажратилган; эмоционал фаолият (ЭФ) – 5 та саволдан иборат бўлди; ижтимоий фаолият (ИФ)- 5 та савол; руҳий-ижтимоий саломатлик (РИС) ёки мактабда фаолият (МФ)ни баҳолайди ва 5 та саволдан иборат бўлди.

Акупунктура ўтказишнинг қоидалари:

Дастлаб болада муолажа ўтказиш учун ота-онасидан розилик олинди. Игналар тананинг олд ва орқа юзасида жойлашган нуқталарга олдинма-кетин алмаштирилиб қўйилди. Бир курсда муолажалар сони 10 та, курслар орасида 3 ойлик танаффус қилинди. Умумий 3 та курс ўтказилди.

Ўтказилиш техникаси:


1. Бемор кушеткага ётқизилади.
2. Бемор муолажа вақтида тинч ва бежавотир ётиш кераклиги тушунтирилади.
3. Спиртли пахта билан нуқталар жойлашган тери соҳаси артилади.
4. Диаметри 0,18 мм х 1,0 см узунликли бир марта ишлатиладиган игналар олинади.
5. Мутахассис игнани киритиш тахминий чуқурлиги (санчки чуқурлиги 3-10 мм) ва векторини билиши зарур, негаки бу якуний натижага муҳим таъсири бор ва асаб ва томирларга ножўя санчкилардан асрайди. Игналар вертикал ҳолатда йўналтирилади.
6. Нуқталар топографияси топилади (тананинг олд юзасида қўлланилган нуқталар: J2, E30, R11, RP6 ва тананинг орқа юзасида қўлланилган нуқталар: T4, V23, V31-V34 (ба-ляо нуқталари), V52).
7. Игналар нуқталарга (гипорефлектор сийдик пуфагида игна 5-10 дақиқага қолдирилади-қўзғатувчи усул; гиперрефлектор сийдик пуфагида игна 25-30 дақиқага қолдирилади-тинчлантирувчи усул ва норморефлектор сийдик пуфагида игна 20 дақиқага қолдирилади-гармонлаштирилган муолажа) санчилади.

Даволаш самарадорлигини ошириш ва турғун бўлишини таъминлаш учун акупунктурани фитотерапия билан қўллаш комбинацияси тавсия этилди. Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уй шароитида ўсувчи, сийдик пуфагига таъсир кўрсатувчи – оддий райхон (лотин. *Ocimum basilicum*) олинди. Шуни таъкидлаш керакки, райхон ўзининг токсик таъсири камлиги, хавфсизлиги ва ҳазм бўлиши осонлиги билан болаларда қўллашга қулайдир. Оддий райхон дамлама шаклида буюрилди: 2 грамм райхон устига 100 мл қайноқ сув (сувнинг ҳарорати 90-96 С°) қуйилади, усти ёпилган ҳолатда 20 дақиқага қолдирилади ва чой ўрнида 2 маҳал (эрталаб ва пешинда) ичилади. Дамламани дозалаш: 7 ёшдан 14 ёшгача 2 грамм 100 мл сув, 14 ёшдан 18 ёшгача 4 грамм 200 мл сув миқдорида ичилади. Давомийлиги 6 ойни ташкил этади. Райхонни қайнатилса ўзида сақловчи эфир мойлари парчаланаяди ва таъсир самарадорлиги пасаяди.

Олинган маълумотларга Pentium-4 персонал компютерида EXCEL дастурида статистик функциялар кутубхонасидан фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилади. Ўрта катталикларнинг фарқланиши $P < 0,05$ муҳимлик даражасида ишончли деб топилди.

Диссертациянинг “**Болаларда тунги энурез клиник кечишининг тавсифи**” учинчи бобида мазкур патологиянинг ривожланиш хавф омиллари, неврологик ҳолати, вегетатив асаб тизими хусусиятлари, ҳамда болалар ҳаёт сифатини ўрганиш маълумотлари келтирилди.

Тунги энурез оғирлиги даражасини баҳолаш учун бир ҳафтада нам тўшақларнинг миқдори қайд этилди. Шу тариха, мисол учун ҳафтасига 1 нам тўшақ қайд этилса, ҳолат энгил деб топилди, ҳафтасига 2-4 марта эса ўртача ҳолат деб топилди, ҳафтасига 5-7 мартага етганда, энурезнинг оғир шакли деб топилди (ICCS, 2008). Ҳолат оғирлигига боғлиқ бўлган беморларнинг жинси ва ёши кўрсаткичларига тегишли таҳлил амалга оширилди.



2-расм. Энурез оғирлиги даражасига боғлиқ бўлган ҳолда болалар ўртача ёши ва жинсига доир таҳлил

Олинган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, гуруҳда ўғил болаларда аҳамиятли устунлик мавжуд бўлди, ёш чегарасида эса кучли фарқлар аниқланди ($p=0,046$), 2-расмда кўриб турганимиздек, оғир даражадаги беморларнинг ўртача ёши $9,1 \pm 2,2$ бўлган, енгил даражада эса - $10,4 \pm 2,7$ ёшга тўғри келган.

Касаллик кечишининг оғирлик даражасига таъсирини аниқлаш учун энурез хавф омиллари таҳлили ўтказилди, натижалар 2-жадвалда кўрсатилган. 83% дан ортиқ болаларда энурез даражаси ирсий мойиллик (генетик мойиллик) бўлган, енгил даража гуруҳида эса бу кўрсаткич 35% болаларда кузатилган, бунда ўртача оғирлик мавжуд болалар ва бошқа гуруҳлар билан аҳамиятли фарқланиш кузатилмади. Перинатал зарарланишда эса оғир ва ўртача оғир шакл ўртасида фарқланиш кузатилди, енгил ва бошқа даражалар орасида эса фарқланиш кузатилмади ($p < 0,001$).

2-жадвал


Оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда тунги энурез хавф омилларининг таҳлили

Кўрсаткич	Оғирлик даражаси			p
	енгил	ўртача	оғир	
Уйқу бузилиши	22 (84,6)	33 (94,3)	57 (96,6)	0,120
Наслий	9 (34,6)	22 (62,9)	49 (83,1)	<0,001*
Неврологик бузилишлар	13 (50,0)	14 (40,0)	34 (57,6)	0,254
Нохуш перинатал анамнез	13 (50,0)	25 (71,4)	54 (91,5)	<0,05*#
Тез -тез касалланиш	7 (26,9)	13 (37,1)	22 (37,3)	0,621

Изоҳ: * - енгил ва оғир шакллари кўрсаткичлари орасида фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлди ($p < 0,05$); ^ – енгил ва ўрта шакллар орасидаги фарқланиш статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p < 0,05$); # – ўрта ва оғир шакллар орасидаги фарқланиш статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p < 0,05$).

Анамнезда неврологик бузилишлар ва тез-тез касалланиш бўлган беморлар оғир энурез гуруҳида устун келган, статистик аҳамиятли фарқланишларни кузатмадик, уйқусида бузилишлар бўлган беморлар эса барча группаларда кўп миқдорда учради ($p = 0,120$).

Ҳар бир гуруҳда хавф омилларини (ХО) баҳолашда энурезнинг оғир шакли бўлган болаларда генетик мойиллик даражаси 3 та омилдан иборат бўлди, ўртача даражадаги энурез гуруҳида ҳам шундай кўрсаткич кузатилди. Енгил даражадаги энурез гуруҳида битта хавф омили – 23,1% ва иккита хавф омили - 46,2% га тенг бўлди (3-расм). Тунги энурезнинг ўртача шакли иккита хавф омили 31,4% ва учта хавф омили 54,3% беморда кузатилди.




3-расм. Энурез оғирлик даражасига боғлиқ бўлган хавф омиллари таҳлили

Энурезнинг оғир шакли бўлган болаларда қуйидаги омилларнинг мавжудлиги аниқланди: бир хавф омили мавжуд беморлар – 0%, икки хавф омили бўлган беморлар – 20,3%, уч хавф омили мавжуд беморлар – 45,8%, ҳамда оғир энурез беморларининг учдан бир қисмида тўрт хавф омили аниқланган.


Кейинги ўринда энурез кечишининг оғирлик даражасига таъсир қилиши мумкин бўлган алоҳида олинган ҳолат аҳамиятини аниқлаш мақсадида перинатал хавф омиллари ўрганилди. Тадқиқот маълумотларига кўра, маълум бир бузилиш нам кечалар миқдорининг ортишига сабаб бўлишини аниқлаб бўлмайди, бироқ енгил даражадаги энурез мавжуд болаларда, одатда, бу хавф омилларининг тарқалганлиги энг паст бўлган, аммо кўшимча анемия, туғруқ фаолиятининг сустлиги кузатилган, бу эса ўртача оғирлик даражадаги энурез гуруҳида энг кам учраган (мос равишда, 22,9% ва 17,1% болалар, ва аксинча, энурезнинг оғир шаклида омиллар тарқалганлиги (гестоз ва неврологик тизимнинг гипоксик-ишемик перинатал зарарланишларидан ташқари) кўпинча ўртача оғирлик даражасидаги энурез мавжуд болаларда кузатилган, бу ўзгаришлар эса ўз ўрнида ўртача оғирлик даражасидаги энурези мавжуд болаларда учраган (48,6% и 31,4%, мос равишда).

Урофлоуметрия ўтказилишида қуйидаги натижалар кузатилди, сийдик пуфагининг гиперрефлектор тури бўлган болаларда (бунда урофлоуметрия эгри чизиғи минорасимон бўлади) 50,8% (120 дан 61), гипорефлектор сийдик пуфаги бўлган болаларда – 25,8% (120 дан 31), мазкур гуруҳ болаларида тўғри чизиқ кўринишида ёки бошқача қилиб айтганда “плато”, норморефлектор турдаги сийдик пуфаги эса 23,3% болаларда кузатилди, бунда эгри чизиқ “кўнғироқ” шаклини эслатди.



4-расм. Энурез мавжуд болаларда урофлоуметрия

Энурез мавжуд болаларда вегетатив асаб тизими хусусиятларини таҳлил қилишда тунги уйқу вақтида пешобни тутиб туролмасликнинг турли оғирликдаги патологияси бўлган беморларда енгил даражадаги энурезда бошланғич ваготоник тонус пастлиги ва бирламчи тунги энурез (ТЭ) даражаси ортиб бориши сайин ўсиб бориши аниқланди (52,3%), 65%> ва 85,8%, мос равишда). Бунда оптимал тонус фақатгина оғир энурез ҳолатида 8% беморда аниқланган. Енгил даража гуруҳида эса мазкур кўрсаткичлар 55% га тўғри келган. Шунингдек, биз сийдик пуфаги шаклига боғлиқ бўлган вегетатив мақом таҳлилини ҳам ўтказдик ва норморефлектор сийдик пуфаги бўлган болаларда асосан эйтония устун келган – 78,6%, ваготония – 5нафар болада (17,9%), қолган 3,5% да эса – сипматикотония кузатилган.




5-расм. Бирламчи тунги энурезнинг оғирлик даражасига қараб болаларнинг вегетатив ҳолати

Гипорефлектор шаклида ваготония устун келди – 45,2% бола, гиперрефлектор шаклида эса – сипматикотония – 64,5% бола.

Нейропсихологик кўрсаткичлар таҳлилида Лурия эслаб қолиш тести ва Шульте жадваллари қўлланилди (6-расм). Кўриб турибмизки, бузилишлар

даражаси энурез оғирлик даражасига бевосита боғлиқ бўлган ва фарқланиш статистик равишда ишончли бўлган.



6-расм. Тунги энурези мавжуд болаларда энурез оғирлик даражаси боғлиқ бўлган хотира ва диққатнинг бузилиши


Шуни айтиш керакки, энурезнинг енгил ва ўртача шаклларидаги фарқланиш аҳамиятсиз бўлган. Шульте жадвалига кўра, енгил ва ўртача даража орасидаги фарқ 10 баллга тенг бўлди (64,8 ва 74,2 балл, тегишли равишда), оғир шакл кўрсаткичлари аҳамиятли юқори бўлди ва 96,2 баллга тенг бўлди. Худди шу ҳолат хотира бузилишида ҳам кузатилган. Енгил даражали бемор болаларда ўртача балл -9,4 га тенг бўлди, ўртача даража – 8,6 балл, оғир даражали ҳолатда эса – 6,9 баллни ташкил қилди.

Сийдик чиқариш дисфункцияси 67,5% ҳолатдаги болаларда бош мия биоэлектрик фаоллиги бузилишида кузатилган, бу эса марказий асаб тизимини ихтиёрий ва ихтиёрсиз бошқариш тизимини назорат қилишни шакллантириш учун асос бўлади, айниқса, тўпланган пешобни йиғиш ва чиқариш механизмлари. Шуни айтиш керакки, электроэнцефалографиянинг (ЭЭГ) физиологик тури, соғлом организм билан боғлиқ бўлган шаклланган альфа тури фақат 28 нафар (35%) бемордагина аниқланган, аммо оптимал кўрсаткичлар камида 87-93% бўлиши керак. ЭЭГ натижалари янада батафсил ўрганилганда майда ўзгаришлар кузатилди: бош миянинг резидуал-органик нуқсонлари аниқланган, бу эса 35% ҳолатда бош мияда тўлқинли фаоллик секинлашиши шаклланиши ва патологик соҳалар ҳосил бўлишини билдиради. Мазкур якуний маълумотлар 55% ҳолатда устун тузилмаси ўзгариши кўринишида ЭЭГ даги ўзгаришлар, ҳамда хулқ-атвор ўзгаришларига асосланади. Текширилган болаларда ва ўсмирларда бош миянинг биоэлектрик фаоллиги (БЭФ) оптимал фаолиятининг блокланиши кузатилган, шу билан бирга, 60% текширувдагиларда турли табиатли умумий мияга доир носпецифик ўзгаришларининг мавжудлиги боис, бош миянинг асосий физиологик ритмлари ва тизимлари ҳосил бўлиши кузатилган. Тадқиқотдаги болаларнинг ярмида электроэнцефалографиянинг дисинхронизация тури мавжуд бўлди, уларда бармоқ намунасида

ишончсизлик қайд этилди. Ромберг позасида биров гандираклаш кузатилди, шу билан кўз юмилган ҳолатда қовоқлар титраши ва қўлларни олдинга чўзган ҳолатда бармоқлар титраши кузатилган. Шунингдек, мазкур тоифадаги ҳар бир беморда неврологик табиат дисфункциялари қайд этилган.

Тос аъзолари бузилишлар бўлган шахсларда бош миянинг биоэлектрофаоллигида оғишлар бўлиши аралаш табиатга эга бўлган, бунга ммедиал-устун элементлари бузилиши комбинациясида БЭФда ностандарт ўзгаришлар кузатилиши ҳисобига, лимбико-ретикуляр формациянинг патологик фаоллашиши сабаб бўлган.

Кейинги навбатда биз беморлар ҳаёти сифатини баҳолаш жараёнини ўтказдик, жараён энурез оғирлик даражасига боғлиқ бўлди ва уни бажариш учун махсус модификация қилинган PedSQL сўровномаси қўлланилди (7-расм).



Расм 7. Энурез оғирлик даражасига боғлиқ бўлган тунги энурези мавжуд болаларда ҳаёт сифати тавсифлари

Диаграммадан кўришиб турибдики, енгил даражадаги энурез беморларининг ҳаёт сифати барча кўрсаткичлари аҳамиятли равишда юқори бўлган. Энурезнинг оғир шакли 56,5 баллни ташкил қилган, бунда ўртача даражадаги энурез гуруҳида аҳамиятли равишда юқорирок – 78,8 балл, енгил – 86,7 балл ($p < 0,001$).

Энурез мавжуд болаларда уйқу тавсифларини ўрганишда аниқланишича, энурезнинг оғирлик даражаси уйқунинг давомийлигига ($p=0,079$) ва уйқуга кетиш латентлигига ($p=0,264$) боғлиқ эмас. Оғир ва енгил даражадаги энурез билан касалланган беморлар енгил даражадаги энурез беморларига нисбатан уйқуга кетишда муаммолар ва нотинчлик мавжудлигига шикоят қилганлар. Тунги гиперкинезлар, бруксизм ва уйқуда гапириш типидagi ҳаракат бузилишлари кўпинча оғир энурез гуруҳида кузатилган.

Бинар логистик регрессия услуги орқали уларнинг хавф омилларига нисбатан, шахсларда энурез ривожланиши эҳтимолини башоратлаш алгоритмини туздик. Олинган регрессион модель статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p < 0,001$). Найджелкерк детерминацияси коэффиценти бирлигидан келиб чиқиб, модель энурезли болаларнинг кузатилаётган дисперсия 62,5%ини тушунтириб берди.

Уйқу бузилишига таъсир кўрсаткичларини баҳолашда энурез ҳосил бўлишининг имкониятлари 18,5 мартага ошади, наслийлик кўрсаткичи 5,9 мартага, неврологик бузилишлар 4,5 мартага, нохуш перинатал анамнез эса 4,3 мартага ошади.

3-жадвал

Тунги энурез ривожланишининг эҳтимоли билан хавф омиллари моделининг предикторлари алоқаси тавсифи


Предикторлар	Unadjusted		Adjusted	
	COR; 95% ДИ	p	AOR; 95% ДИ	p
Уйқу бузилиши	0,034; 0,013 – 0,091	<0,001*	0,054; 0,017 – 0,176	<0,001*
Наслийлик	0,088; 0,034 – 0,228	<0,001*	0,170; 0,052 – 0,555	0,003*
Анамнезда неврологик бузилишлар	0,300; 0,132 – 0,684	0,004*	0,219; 0,069 – 0,696	0,010*
Нохуш перинатал анамнез	0,164; 0,075 – 0,356	<0,001*	0,231; 0,075 – 0,704	0,010*

* - предиктор таъсири статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ($p < 0,05$)

Тузилган регрессив модель статистик вазнга эгадир ($p < 0,001$). Найджелкерк детерминацияси коэффиценти ҳулосасига асосланган ҳолда, ушбу модель энурези мавжуд болаларда 63% ҳолатда депрессия қайд этилади.

Энурез ҳосил бўлиши эҳтимолининг Р логистик функцияси кўрсаткичларига боғлиқлигини ROC –таҳлилда баҳолашда қуйидаги эгри чизиқ кузатилди. ROC-эгри чизиқ майдони $0,719 \pm 0,046$ с 95% ДИ: 0,628–0,809 га тенг бўлди. Олинган модель статистик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлди ($p < 0,001$).

Неврологик бузилишлар мавжудлиги ва хавф омилларининг умумий сони статистик ишончли равишда нам тўшакларни миқдорини, мос равишда, 1 ва 0,7 га оширган.



Расм 11. Энурез ҳосил бўлиш эҳтимолига P логистик функциясининг кўрсаткич боғлиқликни тавсифловчи ROC-эгри чизик

Ёшга нисбатан мазкур кўрсаткичнинг таъсири ишончли бўлганига қарамай, бироқ аҳамият катта бўлмайди ва боланинг ёши 1 ёшдан ошганида нам кечалар сони ҳам 0,25 га ошиб борди. Олинган регрессион модель корреляция коэффиценти $r_{xy} = 0,683$ га тенг бўлди, бу эса Чеддок шкаласи бўйича зич боғлиқликни англатади. Модель статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди ($p < 0,001$). Олинган модель нам кечалар миқдорининг кузатилаётган дисперсиясини 46,7% эканини тушунтиради.

Нам кечалар ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари орасида корреляцион алоқа таҳлили ўтказилди, ва қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар қандай вазиятда улар орасида кучли корреляцион ўзаро боғлиқлик аниқланган.

Жадвал 4

Тунги энурез мавжуд болаларда нам кечалар миқдори ва ҳаёт сифати орасидаги корреляцион алоқалар таҳлили

Кўрсаткич	Корреляцион алоқа тавсифи		
	r_{xy}	Чеддок шкаласи бўйича боғлиқлик зичлиги	p
Жисмоний фаолият	-0,851	юқори	<0,001*
Эмоционал фаолият	-0,749	юқори	<0,001*
Ижтимоий фаолият	-0,746	юқори	<0,001*
Мактабда фаолият	-0,838	юқори	<0,001*
Рухий-ижтимоий саломатлик	-0,797	юқори	<0,001*
Умумий балл	-0,816	юқори	<0,001*

“Нам кечалар миқдори” 1 тага ошишида “Физик фаолият” кўрсаткичининг 6,4 баллга камайишини кутиш зарур (олинган модель 72,4% кузатилаётган кўрсаткич дисперсиясини кўрсатади), “Эмоционал фаолият” 6,3 баллга камайишини кутиш керак (олинган модель 56,1% кузатилаётган кўрсаткич дисперсиясини кўрсатади).

“Нам кечалар миқдори” ҳафтасига 1 кунга ортганда “Ижтимоий фаолият” кўрсаткичи 5,7 баллга камайган (олинган модель 55,6%

